

**ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА
ИМКОНияТЛАРИ**

**ЭКОНОМИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ И ВОЗМОЖНОСТИ
ПОДДЕРЖКИ И УКРЕПЛЕНИЯ ПЛОДОВОДСТВА И ОВОЩЕВОДСТВА
В УЗБЕКИСТАНЕ**

**ECONOMIC MECHANISMS AND POSSIBILITIES OF SUPPORTING
AND STRENGTHENING FRUIT AND VEGETABLE GROWING IN
UZBEKISTAN**

Файзиева Ширин Шодмоновна

Қарши давлат техника университети

Инновацион иқтисодиёт кафедраси профессори, иқтисод фанлари номзоди

E-mail: fayziyevashirin66gmail.com

Файзиева Ширин Шодмоновна

Каршинский государственный технический университет

профессора кафедры «Инновационная экономика», к.э.н.

E-mail: fayziyevashirin66gmail.com

Fayzieva Shirin Shodmonovna

Karshi State Technical University

Professor of the Department of Innovative Economics, PhD in Economics

E-mail: fayziyevashirin66gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда мева-сабзавот етиштиришининг давлат томонидан қўллаб қувватланиши, яратилаётган шарт-шароитлар, иқтисодий механизмлар ва имкониятлар тўғрисида фикр юритилган. Аввало, ҳосилдорликни ошириш, ишлаб чиқаришни илм-фан билан боғлаш, кадрлар

билан таъминлаш, янги замонавий технологияларни кенгроқ жорий этиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар. мева-сабзавот, ҳосилдорлик, сифат, инновация, қишлоқ хўжалиги, миллий марказ, технология, хизмат, озиқ-овқат, қайта ишлаш.

Аннотация. В статье рассматривается государственная поддержка плодоовощной отрасли в Узбекистане, создаваемые условия, экономические механизмы и возможности. В первую очередь освещаются вопросы повышения производительности труда, связи производства с наукой, обеспечения кадрами, внедрения новых современных технологий.

Ключевые слова. фрукты и овощи, производительность, качество, инновации, сельское хозяйство, национальный центр, технологии, услуги, продукты питания, переработка.

Abstract. The article examines state support for the fruit and vegetable industry in Uzbekistan, the conditions created, economic mechanisms and opportunities. First of all, it covers issues of increasing labor productivity, linking production with science, providing personnel, and introducing new modern technologies.

Key words: fruits and vegetables, productivity, quality, innovation, agriculture, national center, technology, services, food products, processing.

Янги Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузини ва ўрнини янада оширишда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида муҳим ўрин тутаётган мева-сабзавотчилик тармоғида мева-сабзавот экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, интенсив боғдорчиликни ривожлантириш, маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш, фермерларга замонавий технологиялар, билим ва кўникмалар бўйича маслаҳат бериш, уруғлик, кўчат, ўғит ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, кредит олишда ёрдам бериш ва қишлоқ хўжалиги техникасини ижарага бериш хизматларини ташкил этиш каби устувор йўналишларнинг зарурлиги сезилмоқда. Мамлакатда олиб борилаётган аграр ислохотлар мева-сабзавот тизимида экспортга мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, Глобал ГАП ва бошқа халқаро стандартларга мувофиқ маҳсулот етиштириш, сертификатлаштириш тизимини жорий этиш, органик

деҳқончилик усуллари ривожлантириш, маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва қадоклаш инфратузилмасини яхшилаш, логистика тизимини такомиллаштириш ва транспорт харажатларини камайтириш, электрон тижорат платформаларидан фойдаланишни кенгайтириш каби вазифаларни ҳал этиш Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159-сонли Фармонида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тўлақонли амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига илмий асосланган ахборот, замонавий хизматларни кўрсатиш, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг жорий этиш, таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва агрохизматлар кўрсатиш тизимининг узвий интеграциясини таъминлаш”¹²⁸ масалаларига эътибор қаратилган.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги субъектларига замонавий агрохизматлар кўрсатишнинг узвий тизимини ўзаро боғлайдиган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказини ташкил этиш ҳамда қуйидаги йўналишларда фаолият юритишга масъул этиб белгиланган:

- қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш;
- фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кластерлари ва кооперациялари ҳамда илғор хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан манфаатли илмий-ишлаб чиқариш ҳамкорлигини йўлга қўйиш, янги илмий ишланмалар, инновациялар ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш;
- барча турдаги давлат илмий ва олий таълим муассасаларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш;

¹²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159-сонли Фармони

- қишлоқ хўжалиги тармоқларининг малакали мутахассисларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, илғор тажриба ва замонавий технологиялар асосида уларнинг малакасини ошириш;

- қишлоқ хўжалигида хусусий секторни кенг жалб этган ҳолда билим, малака ва кўникмаларнинг самарали алмашинуви ҳамда узатилишини таъминлайдиган миллий ахборот ва маслаҳат хизматлари тармоғини ривожлантириш;

- халқаро сифат стандартларини жорий қилишда кўмаклашиш, маҳсулот етиштирувчилар ва агробизнеснинг ўзаро ҳамкорлик платформасини ташкил этиш каби масалаларни ўз ичига олади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда унинг тармоқлари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган ва кадрлар тайёрлаётган барча турдаги давлат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш, соҳадаги талаб ва илғор хорижий тажрибалар асосида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларининг тизимли равишда такомиллаштирилишини таъминлашга доир вазифаларни бажариш йўлга қўйилиши кўрсатиб ўтилган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқариш муаммоларига илм-фан орқали ечим топиш мақсадида соҳадаги илмий-тадқиқот муассасалари ва қишлоқ хўжалиги кластерлари ўртасида келишувлар тузиш амалиётини йўлга қўйилиши Ўзбекистонда мева-сабзавот етиштиришни қўллаб-қувватлашнинг имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

2023 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 3212-1-сонли “Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёрларининг қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот маҳсулотларини

ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг ташқи бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори, 2024 йил 8 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалиги кооперацияи тўғрисида”ги қонуни, 2024 йил 29 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 107-сонли “Республикада мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш эса мева-сабзавот етиштиришнинг иқтисодий механизмлари жиҳатидан муайян даражада хизмат қилади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар рақамли иқтисодиёт ва бозор механизмларини шакллантириш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ. Мева-сабзавот кооперациясини ташкил этишдаги иқтисодий муносабатлар орқали аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, ишлаб чиқариш, ташиш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Бу эса соҳада рақобатни юзага келтириб, иқтисодий кураш натижасида жаҳон бозорларига чиқиш учун замин яратади. Мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини узлуксиз ва кафолатли қондириш, ички истеъмол бозорини Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган мева-сабзавотлар билан таъминлаш эвазига, импорт ҳажмини қисқартириш натижасида экспорт миқдорини ошириш қишлоқ хўжалиги салоҳиятини юксалтиришда устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, бу тармоқ аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналарининг эса хом ашё ресурсларига бўлган талабини узлуксиз қондириш имкониятини беради. Қолаверса, Ўзбекистон мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш учун юксак потенциал ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга давлатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартда “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4246-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон

Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ташкил этилган. Иссиқхона хўжаликларининг бугунги ҳолати, эришилган натижалар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари ўрганилганда иссиқхона хўжаликларида инновацион технологияларни жорий этиш, сув тежовчи тизимларни кенгайтириш, маҳсулот сифатини ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича муҳим вазифаларнинг белгилаб берилганлиги соҳани ривожлантиришга хизмат қилади.

Ушбу агентлик иссиқхона хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, замонавий агротехнологияларни кенг жорий этиш ва фермерлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалий ишларни давом эттирмоқда. Агентлик мутахассислари тадбиркорларни зарур услубий ва техник кўмак билан таъминлаш, янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга кўмаклашмоқда.

Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича белгиланган вазифаларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кластерлари ва кооперациялари ҳамда илғор хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан манфаатли илмий-ишлаб чиқариш ҳамкорлигини йўлга қўйиш, янги илмий ишланмалар, инновациялар ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш;

- барча турдаги давлат илмий ва олий таълим муассасаларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш;

- қишлоқ хўжалиги тармоқларининг малакали мутахассисларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, илғор тажриба ва замонавий технологиялар асосида уларнинг малакасини ошириш;

- қишлоқ хўжалигида хусусий секторни кенг жалб этган ҳолда билим, малака ва кўникмаларнинг самарали алмашинуви ҳамда узатилишини

таъминлайдиган миллий ахборот ва маслаҳат хизматлари тармоғини ривожлантириш;

- халқаро сифат стандартларини жорий қилишда кўмаклашиш, маҳсулот етиштирувчилар ва агробизнеснинг ўзаро ҳамкорлик платформасини ташкил этиш.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини жорий этиш бўйича кўламли ишлар амалга оширилди. Зеро, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги бўйича катта салоҳиятга эга. Таъкидлаш жоизки, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг - 25,1 фоизи айнан мазкур соҳага тўғри келади. Шу билан бирга, республика бўйича банд бўлган аҳолининг қарийб 24,9 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоғига тўғри келиб, бу кўрсаткич 3,5 млн. кишини ташкил этмоқда. Бу эса, нафақат иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишда қишлоқ хўжалиги тармоғининг ўрни ғоятда муҳим эканлигини, балки бевосита соҳада амалга ошириладиган ислохотларга ҳам боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда тобора кучайиб бораётган иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг танқислиги, ерларнинг мелоратив ҳолати бузилиши каби муаммолар сабабли Ўзбекистонда мазкур соҳа қатор муаммо ва таҳдидлар гирдобига қолди. Бундан ташқари, йиллар давомида ушбу соҳада тўлақонли бозор муносабатларига асосланган ислохотларнинг амалга оширилмаганлиги, яъни ушбу соҳа давлат томонидан энг кўп тартибга солинадиган соҳа бўлганлиги, давлат буюртмаси, ердан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларнинг чекланганлиги ва ҳимояланмаганлиги каби муаммолар ушбу тармоқдаги самарадорлик, унумдорлик кўрсаткичларининг пасайишига сабаб бўлди. Айнан шу жиҳатдан мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга оид бир қанча аграр ислохотлар олиб борилди.

2019 йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Бунда 2020 йилдан пахта ва ғаллани етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини жорий этиш орқали давлат монополиясига барҳам берилди. 2021 йилда ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва

уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари белгиланди. Шунингдек, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига мувофиқ, қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 бараварга ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш устувор мақсад сифатида белгиланди. Умуман олганда, сўнгги 6 йилда ушбу соҳада олиб борилган ишлар натижасида қишлоқ хўжалиги ялпи ишлаб чиқаришининг йиллик барқарор ўсиш суръатлари қайд этилиб:

- 2017 йилда – 1,0 фоиз;
- 2018 йилда – 0,2 фоиз;
- 2019 йилда – 3,3 фоиз;
- 2020 йилда – 2,7 фоиз;
- 2021 йилда – 3,9 фоиз;
- 2022 йилда – 3,6 фоизга ўсишга эришилди.

Ўтган даврда халқаро бозорда ўзбек пахта ва тўқимачилик маҳсулотларига бойкот тугатилганлигига эришилди. “Ўзбекистон Европа Иттифоқига тўқимачилик маҳсулотларини божсиз олиб киришни таъминлайдиган GSP+ савдо мақомини олди, натижада ушбу маҳсулот экспортини 2017 йилдаги 1,2 млрд. доллардан 2022 йилда 3,2 млрд. долларгача оширишга эришилди. Шунингдек, сув ресурсларининг тобора камайиб бораётганлиги боис, мазкур соҳада қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланди. 2017–2022 йилларда жами 1,4 млн.гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди.”¹²⁹ Юқоридаги чора тадбирлардан мақсад иқтисодий фойда кўриш билан бир қаторда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат.

Айниқса, юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини ҳудудлаштириш сиёсати, кластер тизими, замонавий иссиқхона хўжаликларини яратиш, томорқа хўжалиги амалиётини кенгайтириш

¹²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони

қишлоқда аҳолининг турмуш даражасини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Ушбу амалга оширилган чора-тадбирлар, эришилган ютуқлар, олдинда турган муаммо ва таҳдидлар ҳамда уларни ҳал этиш борасидаги келгуси режалар “Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат” халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги доирасида бўлиб ўтган “Янги Ўзбекистонда 2030 йилгача қишлоқ хўжалигининг ривожланиш стратегияси: имкониятлар ва истиқболлар” мавзусидаги тадбирда ҳам муҳокама қилинди.

Хусусан, тадбирда бугунги кунда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ва унда белгиланган қуйидаги 9 та устувор йўналиш доирасида амалга оширилаётган қатор ишлар:

- озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қулай агробизнес муҳити ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;
- соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибadorликни ошириш механизмларини жорий қилиш;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;
- бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш;
- тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш;
- илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;
- қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;
- тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини яратиш кабилар эътироф этилди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбирлардан кутилган натижаларни янада ижобий ҳолатда бўлишини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигида давлат бошқарувини трансформация қилиш ва ислохотларни янада чуқурлаштиришни жаҳон тажрибаси асосида амалга ошириш бўйича халқаро экспертларнинг жалб этилганлиги ҳам диққатга сазовардир. Бугунги кунда мамлакат аҳолисининг қарийб 50 фоизи яшаётган ҳудудларда, иқтисодиётнинг 4 тўртдан бир қисмини ташкил этаётган ва қарийб 3,5 млн. киши банд бўлиб

турган мазкур соҳада тегишли ислохотларни жадаллаштириш, албатта келгусида мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашга ҳамда мева-сабзавот етиштиришни қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмлари ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 февралдаги “Республикада мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 107-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 11-декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва виночилик тармоғини янада ривожлантириш ва тармоқда қўшилган қўшилиш занжирини яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4549-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4239-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 2017 йил 23 декабрь. 258 (6952).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159-сонли Фармони
7. Shirin Fayziyeva, Gulnoza Samiyeva, Shakhribonu Yuldosheva Ensuring food safety in Uzbekistan and its forecasting. BIO Web of Conferences, 010 (2023) CIBTA-II-2023 <https://doi.org/10.1051/bioconf/20237101072> (Web of Science)